Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
...тқотлар институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 61 (9.253) 1999 йил 28 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 май куни Оқсарой қароргоҳида Россия Федерациясининг «Газпром» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Рем Вяхиревни қабул қилди.

◆ Матбуотда «Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинган.

◆ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги раҳбарларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида бўлди. Учрашув жараёнида икки томонлама муносабатлар муҳокама этилди. Ўзбекистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирлари террорчилик, диний ва бошқа экстремистик йўналишлар ҳамда наркобизнесга қарши кураш бўйича ҳукуматлараро битимни имзолади. Ўзбекистон делегациясини Хўжандда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қабул қилди.

◆ **Кеча** Қозоғистон Бош вазири Нурлан Балгимбоев расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

◆ Мамлакатимиз спорт ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси университетлари талабаларининг биринчи универсиадаси тантанали равишда очилди.

◆ Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Латофат» хусусий фирмаси иш бошлади.

◆ Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Аёллар йилига бағишлаб «Жаннат — аёллар оёғи остидадир» деб номланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди делегацияси Варшавада бўлиб ўтган Европа Конституциявий судларининг XI Конференциясида иштирок этди.

◆ Б. Ельциннинг дам олиш таътилида узилиш бўлди. У Сочидан Москвага қайтиб келди. Бугун у Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Чжун билан учрашади.

◆ **Бугун** Озарбайжон халқи ўзининг миллий байрами — Мустақиллик кунини нишонламоқда.

◆ Прагада тинчлик ва ҳамкорлик бўйича Европа ташкилотининг йиллик 7-иқтисодий форуми очилди.

◆ Жазоир марказида автомашина портлаши натижасида икки йўловчи ҳалок бўлди, ҳайдовчи эса оғир тан жароҳати олди.

◆ Париж ҳукумати Франция пойтахтида трамвай қатновини тиклашга қарор қилди. Табиатни зарарлантирмайдиган бу транспорт воситаси 60-йилларда тўхтатилиб, у Париж кўчаларидаги ўз ўрнини автомашиналар қатновига бўшатиб берганди.

◆ Колумбия ҳукуматининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича миллий кенгаши Боготада метрополитен қурилиши учун 2,3 миллиард доллар ажратишга қарор қилди. Метронинг биринчи навбати очилиши 2005—2006 йилларга мўлжалланмоқда.

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ҳиндистон — Покистон чегарасида икки ҳафтадан буён давом этаётган қуролли тўқнашувлардан ташвиш билдирди.

◆ Бангкокда Жанубий-шарқий Осиё давлатлари уюшмаси билан Европа Иттифоқининг савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича анжумани бошланди.

## ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



# ИШДА ВА ҲАЁТДА ҲАМРОҲ

***Яхшилик ва баракали меҳнат инсон умрининг безагидир. Ўз умр йўлларини эзгу ишлари, самарали меҳнат фаолиятлари билан тўлдираётган ҳамшаҳарларимиз орасида Раҳматжон ака ва Муҳаббатхон опа Нодирматовларнинг ўрни алоҳидадир. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан бир жамоада 40 йилдан буён танилган, ҳурмат-эътибор қозонган инсонлар сирасига киради.***

Тошкент китоб-журнал фабрикасининг илғор ишчиси Раҳматжон Нодирматов ўз «Муҳаббат»ини шу ердан топди. Фабриканинг чаққон ва меҳнатсевар ишчиси Муҳаббатхонга кўнгил бериб, турмуш қуришди. Ана шу кундан бошлаб улар ишда, турмушда ҳамроҳ бўлиб меҳнат қилишмоқда, бахтли яшашмоқда.

Улар «Дарахт бир жойда кўкаради» деган доно нақлга амал қилиб, фабриканинг босма цехида чоп этувчи бўлиб фаолият кўрсатишмоқда. Ольга Ким етакчилигидаги ушбу цехда 30 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг кўпчилиги Раҳматжон ака ва Муҳаббат опадан касб сирларини ўрганиб, устозлари изидан боришга интиладилар. Цехда чоп этилаётган китоблар эса ўзининг сифати билан ажралиб туради.

— Фабрикамизда соғлиқни сақлаш, маънавият ҳақидаги китобларни чоп этишда Нодирматовларнинг жуда катта ҳиссалари бор, — дейди фабрика директори Азим Рихсиев. — Бу олижаноб инсонлар нафақат меҳнатда, балки оилада ҳам, фарзандлар тарбиясида ҳам барчага ибратдир.

Фабрика жамоаси Муҳаббат опанинг 55 ёши билан қизғин табриклаган бўлсалар, Раҳматжон ака яқинда 60 баҳорни қаршилайдилар. Зеро, эл оғзига тушиб, меҳнатдан қадр топган бу инсонларни юртимизнинг ҳақиқий фидойилари десак, янглишмаймиз.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*
*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Теннис*

## НУФУЗЛИ МУСОБАҚА

«TASHKENT—OPEN» халқаро теннис мусобақалари бошланадиган кун яқин. Шуни айтиш кераки, юртимизда аёллар ўртасида нуфузи бундай юқори мусобақа илк бор ўтказилаётган бўлса-да, бироқ йирик халқаро аёллар турнирлари пойтахтимизда илгари ҳам катта муваффақият билан бир неча бор бўлиб ўтганди.

1996 йили шаҳримизда илк бор «Челленжер» туркумидаги аёллар мусобақаси ташкил этилиб, у «Динамо» теннис кортларида ўтказилганди. Халқаро теннис федерацияси ITF томонидан ўтказилган ушбу мусобақанинг турнир жамғармаси атиги 25 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлсада, ҳар ҳолда унда анчайин кучли катта ракетка усталари иштирок этганди. Ишқибозлар Катрин Килш, Патриция Вартуш, Робин Модели, Елена Татаркова, Елена Брюховец каби анчагина таниқли теннисчилар қатори Оксана Ярикова, Лилия Биктекова, Ирода Тўлаганова сингари ўзбекистонлик ёш теннисчиларнинг маҳоратларидан баҳраманд бўлишди.

Дастлабки «Челленжер» турнирининг Патриция Вартуш (Австрия) ва Катрин Килш (Германия) ўртасида ўтказилган финал баҳси жуда кескин ва ҳаяжонли ўтиб, ҳал қилувчи дақиқаларда совуққонлик билан ўйнаган австриялик теннисчига жуда чиройли ишланган бош соврин насиб этди.

1997 йили пойтахт «Челленжер»инининг мукофот жамғармаси икки баробар кўпайди ва бу гал халқаро таснифга кўра иккинчи, учинчи юзликдан ўрин олган кўплаб теннис усталари шаҳримизга ташриф буюрди. Узоқ Мексика вакили Анжелика Гавальдонга бу гал омад кулиб боқди ва юртига мусобақа бош соврини билан кетди. Жуфтликлар ўртасида эса Эрика Делоне (АҚШ) — Николь Пратт (Австралия) ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

*Осиё чемпионати*

## ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ҒОЛИБ

**КЕЧА**

«Юнусобод» спорт саройида эркин кураш бўйича ҳал қилувчи кун бўлди, полвонлар ярим финал ва финал беллашувларини ўтказдилар. Шуниси қувонарлики, мусобақаларда иштирок этаётган барча 8 нафар спортчимиз совринли ўринлардан бебаҳра қолишмади.

Кескин баҳслардан сўнг беш курашчимиз финалда олтин нишонлар учун баҳс юритишди. Хусусан, 76 килограмм вазнда Руслан Хинчагов рақиби — қирғизистонлик Нурбек Исабековни 8:1 ҳисобида, 85 килограммлилар ўртасида эса Аслан Санакоев Қозоғистон вакили Абил Султонбековни 4:0 ҳисобида енгиб, Осиё чемпиони фахрий унвонига сазовор бўлишди. 69 килограмм вазнда ҳамюртимиз Игорь Кунеевнинг япониялик рақиби жароҳатланганлиги туфайли унга олтин нишон курашсиз насиб этди.

Р. Исломов ва Г. Кайсиновлар кумуш, А. Очилов, Д. Захардинов, С. Фраевлар эса бронза нишонларининг соҳиби бўлишди.

Ҳамшаҳримиз Р. Хинчагов «Энг яхши кураш техникаси учун», Али Ризо Ҳайдарий (Эрон) «Осиё чемпионатининг энг яхши курашчиси» махсус соврини билан тақдирланди.

Жами 8 медални қўлга киритган терма жамоамиз умум команда ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

*Волейбол*

## ҚЎШ ҒАЛАБА

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг спорт мажмуасида волейбол бўйича ўтказилаётган «Микаса кубоги» баҳслари ҳам қизғин паллага кирди.

Дастлабки ўйинда ҳамшаҳарларимиз — СКИФ жамоаси қизлари Бишкекнинг «Бешсари» командаси билан учрашди. Пойтахтликлар устунлигида ўтган баҳсда СКИФ волейболчилари 3:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

**КЕЧА**

ҳамшаҳарларимиз Россиянинг «МГФСО» командаси билан куч синашдилар. Сетларда 25:19, 25:17, 24:26 ва 25:21 ҳисобларида устун келган жамоамиз қаторасига иккинчи ғалабани қўлга киритди.

Эртага ҳамшаҳарларимиз қозоғистонлик волейболчилар билан куч синашадилар.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

## ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар





1999 — Аёллар йили

# «ҚАЛБИМ ГУЛДАЙ БЕҒУБОР»

***Гулбоғаро юрганингизда, албатта хаёлингизни ширин орзулар чулғаб олади. Гўё шу вақтда капалак бўлиб қолсаму ҳар бир гулга қўниб, мириқиб ҳидласам дейишингиз табиий...***

Республика Бадиий Академиясининг марказий кўргазмалар залига ташриф буюрган ҳар қандай инсон гуллар бўстонига кириб қолгандек ҳис этади ўзини. Олтмиш беш ёшли Салима Абдураззоқова ўзининг илк кўргазмасини «Қалбим гулдай беғубор» деб атади. Кўргазмага қўйилган 45 та экспонатнинг барчасида гуллар акс этган. Уни ташкил этиш борасида «Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати» республика жамоат ташкилоти, халқаро Тошкент аёллар клуби ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси бош-қош бўлди. Айниқса, аёллар клуби томонидан кўргазмага ташриф буюрган хорижлик аёллар рассом ижодига катта баҳо беришди.

— Салима опани ҳаётда гулларни севишини билардим, аммо ана шу қалбдаги меҳр бўёқлар замирига тушганидан бағоят хурсанд бўлиб кетдим, — дейди иштирокчилардан бири Саида Юсупова. — Яна бир томони у кишининг маҳорат ва ғайратларига тан бердим.

— Ўтган қисқа вақт ичида ташкилотимиз томонидан жуда кўп тадбирлар, учрашувлар, мулоқотлар ва суҳбатлар ўтказилиб борилаяпти, — дейди «Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати» жамоат ташкилотининг раиси Адолат Носирова. — Буларни ўтказишимиздан мақсад жуда кўплаб юртимизда истиқомат қилаётган хорижлик аёлларга ўзбек аёлларининг нималарга қодир эканлигини шунчаки айтиб ўтмай, уларни амалга ошираётган ишларимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизни ўзига хос миллийлик томонлари мавжудлиги билан тўлиқ таништиришдан иборат. Келгусида бизнинг ўзбек аёллари ҳам хорижий давлатларда бўлишиб, у ердагиларнинг маданияти, яшаш тарзи билан танишиб келадилар. Аёллар йили муносабати билан ўтказилган биринчи кўргазмамиз ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Кўргазманинг очилиш тадбирида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Халқаро Тошкент аёллар клуби раҳбари Жейн Твик хоним, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчиси рафиқаси Вам Пэйди хоним ва бошқа кўплаб шаҳримиз аёллари иштирок этдилар.

**Гули АБДУЛЛАЕВА.**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**

**Рустам Шарипов олган суратлар.**

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамғарманинг Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги бўлимларининг раҳбарлари, шифокор-олимлар, турли давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этишди.***

Йиғилишда жамғарма раиси Шабот Хўжаев жамғарманинг 1997-1999 йиллардаги фаолияти тўғрисида ахборот қилди. Шунингдек, кун тартибига қўйилган — замон талабларидан келиб чиққан ҳолда жамғарманинг янги Низомини қабул қилиш, тафтиш бошқаруви, ҳомийлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ахборот юзасидан музокараларда жамғарманинг ўтг[illegible] йиллар давомидаги фаолиятига холис баҳо берилиб, камчиликлар ҳам рўйи рост кўрсатилди.

Иш самарасини ошириш учун ҳуқуқий асос бўлган жамғарманинг Низоми тасдиқланди, асосий вазифалар белгиланди. Йиғилиш ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев қатнашди ва гапирди.

Йиғилишдан хулоса шуки, жамғарма янгича фикр, янгича куч-ғайрат билан қайта туғилди. Бошқарув раиси этиб Ш. Хўжаев қайтадан сайланди.

**Шарифа ИЛЁСОВА.**

# АЁЛ ВА ЭКОЛОГИЯ

Чилонзор туман халқаро «Экосан» жамғармаси ташаббуси билан 1-Тошкент педагогика билим юртида «Аёл ва экология» мавзусида анжуман ўтказилди. Йиғилиш жойининг айнан шу ер қилиб тайинланишининг боиси бор. Чунки асосий мавзу ушбу билим юрти талаба қизлари ўртасида экологик таълим-тарбиянинг қандай олиб борилаётганлигига қаратилган эди. Бу хусусда билим юрти директори Мунаввара Исмоилова кенг тушунтириш берди. Шундан кейин Тошкент шаҳар халқаро «Экосан» жамғармаси бўлими раҳбари Шоира Ибрагимова «Экология ва саломатлик» мавзусида маъруза қилди.

Шунингдек, ўқитувчилар Қундуз Тўлаганова, Адиба Муҳсимова, Чилонзор туман халқаро «Экосан» жамғармаси раҳбари Баҳром Эшқувватовларнинг чиқишлари ҳам тингловчилар эътиборини қозонди.

Анжуман якунида қатнашчилар шу ерда уюштирилган экологик кўргазмани кўздан кечирдилар.

Дийдор

# ҚИРҚ БЕШ ЙИЛДАН СЎНГ

Дийдор кўришиш инсон ҳаётида рўй берадиган энг лаззатли, энтикиш онларидан бири. У ҳаётда доимо ҳам рўй беравермаслиги билан эзгудир. Айниқса, у салкам ярим аср ўтгандан сўнг янада завқли.

Шаҳримиздаги 45-мактабда яқинда рўй берган воқеа жуда ҳаяжонли бўлди. Бу ерга ушбу мактабни бундан 45 йил аввал битирган инсонлар жам бўлишди. Улар ёшлик йилларини эслаб, мактаб синф хоналарига кириб ўтиришди, ўзларини ўқитган муаллимларини ҳам таклиф қилиб улар билан ўқувчилик дамларини хотирлашди, ана шу кунларга етиб келолмаган сабоқдошларини ёдга олишди.

Йиллар инсон юзига ажин ташлаш билан бирга унинг ҳаётга бўлган муносабатини шакллантиради. Кечаги ўйноқи ғўр болалар бугун катта ишларнинг бошида туришибди, нуфузли ташкилотларнинг раҳбарлари ёки муаллим, қурувчи, ишчи, шифокор, олим. Кеча мактаб ҳовлисини шовқин билан бошига кўтарган болакайларнинг набиралари бугун шу мактаб синфхоналарида таҳсил олишмоқда. Ҳамма нарса ўзгарган. Фақат муаллимнинг ўқувчига бўлган меҳри, собиқ ўқувчиларнинг ўзаро қадрдонлиги ўзгармаган холос.

**Мурод РАҲИМОВ.**

**СУРАТДА: собиқ синфдошлар давраси.**



## МИЛЛИЙ ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ





*Танловлар*

# «ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ»

***Муқимий номли республика давлат мусиқали драма ва комедия театрида юртимиз мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишланган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда пойтахтимиз туманлари ўртасида шундай мавзудаги беллашувларда биринчи ва иккита иккинчи ўрин соҳиблари қатнашдилар.***

Кўрик-танловни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Эркин Эрназаров очди. Сўнгра беллашув иштирокчилари ўзларининг Ватан, юртга муҳаббат, элга садоқат, кўҳна тарихимиз, унда ўтган буюк шахсларга бўлган юксак ҳурмат-туйғулари билан йўғрилган қўшиқларни ижро этишди. Кўрик-танловда якка хонандалар билан бир қаторда хор жамоалари ҳам қатнашдилар.

Кўрик-танлов тугагач, ҳакамлар ҳайъати ғолибларни эълон қилди. Биринчи ўрин «Ҳур қизиман она юртимнинг» (Нормурод Нарзуллаев шеъри. Аваз Мансуров мусиқаси) қўшиғи учун «Юлдуз» маданият уйининг хонандаси Гулчеҳра Йўлдошевага берилди. Иккинчи ўринни «Ўзбекистон — она, онажон» (Абдусаид Кўчимов шеъри, Аваз Мансуров мусиқаси) қўшиғини ижро этган Ҳамза туманидаги 10-болалар мусиқа мактабининг «Сивцев — Бражек Шоу» гуруҳи ҳамда «Аҳил бўлгин халқим» (Муҳаммад Юсуф шеъри, Аббос Убайдуллаев мусиқаси) қўшиғи билан Шайхонтоҳур туманидаги 23-болалар мусиқа мактабининг хонандаси Дилноза Мирзахўжаева бўлишиб олишди.

Учта учинчи ўрин Глиэр номли мусиқа мактаби хонандаси Уйғун Алиматовга «Чегарачи қўшиғи» учун, «Самолётсозлар» маданият саройи хонандаси Камолиддин Деҳқоновга «Оқар дарёсан, аёл» қўшиғи учун, 2-болалар санъат мактабининг хор гуруҳига «Болаларнинг кўзлари» қўшиғи учун берилди. Бундан ташқари кўрик-танловда иштирок этган олтита ижрочига рағбатлантирувчи мукофотлар насиб этди. Беллашув ғолиблари 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунида шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғларида концерт беришади. Танлов тугагач, бу ерга келганларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

**• Абдурасул АБДУҒАНИЕВ, Тошкент шаҳар маданият ишлари бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:**

— Бу йилги кўрик-танловимиз аввалгиларидан кўра бошқачароқ, яъни кўтаринки руҳда ўтди. Бу сафар шоирлар ва бастакорларнинг ўзаро ҳамкорликда ишлашганини ижро этилган қўшиқларнинг юқори савияда эканлигидан ҳам билса бўлади. Ушбу тадбирни уюштиришга «Маҳалла» ҳамда «Камолот» жамғармалари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди.

**• Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА, кўрик-танлов ғолибаси:**

— Албатта, мен ўз қувончимни қалбимга сиғдиролмаяпман. Бунинг сабаби нафақат ғолиблик тожини кийганим, балки юртим — мустақил Ўзбекистонни ўз санъатим билан мадҳ эта олганимдадир.

**• Саида БОТИРБЕКОВА, томошабин:**

— Мен аввалги шундай беллашувларда ҳам иштирок этганман. Бу кўрик-танловдан шундай таассурот олдимки, ижро этилган қўшиқлар ўз савиясига кўра тобора юксалиб бормоқда.

**Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.**

**СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.**

**Рашид Галиев олган суратлар.**

*Ёднома*

# У ЎЛГАН ЭМАС

***Юракнинг ҳеч ким кира олмайдиган ва чиқа олмайдиган энг тубига жойлашган номсиз, маъюс, ҳатто кўз ёшларда ҳам ўз ифодасини топа олмайдиган мангу хотиралар... Фақат у муҳаббатнинг энг гўзал, такрорланмас онларини ўз эътиқодига яширган. Людмила Раҳматуллаева ана шу яширин туйғулар қуршовида лаблари титраб, йиғлай-йиғлай севикли ёри, суянчиғи, таниқли футболчи Ҳамид Раҳматуллаев ҳақида гапирар экан, унинг нигоҳида ҳеч бир аёл қалбига сиғмайдиган матонатни кўраман.***

— Ҳамид мен учун битта эди. Унинг ижтимоий фаолияти, ақлзаковатини ҳеч сўз билан ифодалай олмайман. Балки мен уни шу даражага кўтараётгандирман, балки унинг бокира хотиралари, такрорланмас ҳаракатлари мен учунгина бебаҳодир. Нима бўлганда ҳам Ҳамид олийжаноб, эътиқодли, меҳрибон ва салобатли инсон сифатида юрагимдан жой олган — дея энтикиб сўзларди Ҳамид аканинг умр йўлдоши. — Биз Ҳамид билан 16 йил бирга яшадик. Шу ўтган дамлар ҳаётимдаги энг бахтли ва қувончли лаҳзалар бўлиб қолди. У шу қисқа вақт ичида катта муваффақиятларга эришди. Бу шон-шуҳрат олиб келган муваффақиятлар ўз навбатида қора кунларни ҳам етаклаб келди. Аммо Ҳамид қисқа умр кўрсада ҳар дақиқасини мазмунли ўтказди дея олиш мумкин. Чунки у аллақачон таниқли спорт мутахассиси, футболчи сифатида кўпчиликнинг қалбидан жой олиб улгурган эди, деб биламан. Унинг номи маҳалламиз кўчаларидан бирига қўйилди. Шунингдек бир неча йиллардан буён болалар жамоалари ўртасида хотира мусобақаси ўтказилиб келинмоқда. У умрини футболга бағишлади. Бу бахшида умр уни ҳаётда тобланитирди. Энди у ҳамиша биз билан бирга.

Ҳамид ҳамиша вазиятни тўғри англаб оларди. Ҳар қандай оилавий майда-чуйда ишларга аралашмас, унга ўзининг ташвиши етиб ортарди. У умрини футболга бағишласада, шахматни ҳам, бильярдни ҳам жуда яхши профессионал даражада ўйнарди. Ундан севинчлар билан бирга буюк армонлар қолди. Бу мангу хотиралар билан ҳали айтилмаган қўшиқлар қолди. Дилимда одам жисмига сиғмаган аламлар, фиғонлар, ушалмаган орзулар қолди. Худога шукр, фарзандларимиз Нигорани, Холидани, Сардорбекни уйли-жойли қилдим. Шуларнинг бахти менинг ҳам бахтим, қолаверса улардан фахрланаман. Икки қизим ўзимнинг йўлимдан, Сардорбек эса отасининг йўлидан бормоқда. Ўғлим, кунлар ўтаверар экан, аммо ўша илк бор айтилган сўзлар ҳамиша қулоқларимиз остида жаранглаб турарди.

***Бу ғамгин суҳбат менинг тасаввуримда асрлар давомида тугамаётгандек. Худди онанинг мунгли алласидек мангу. Садоқатли аёл юрагида ҳали биз билмаган сирлар отилиб чиқаётгандек. Ҳу ўша шаҳар тепалигидаги қабристонда қийғос очилган лолалар, бепоён осмон шу юртни бағрига олган ботир ўғлонининг кечмишидан сўзлаётгандек. Хотира — у ўтмиш билан бугунни боғловчи ҳамда бизга келажак учун ҳам зарур восита.***

**Очил ҲАЗРАТОВ.**

*Таълим*

# ТАРИХ ФАНИГА ИХТИСОСЛАШДИ

***Яқинда пойтахтимизда тарих фанига ихтисослашган республика услубиёт маркази иш бошлади. У Юнусобод туманидаги 9-мактаб негизида ташкил этилди. Бу ихтисослашган марказнинг ташкил қилинишидан асосий мақсад — иқтидорли болаларга тарих фанини янада чуқурроқ ўргатиш, ёш авлодларда нафақат Ўзбекистон тарихига, балки жаҳон тарихига ҳам қизиқиш ва билимларини оширишдир. Мазкур мактабнинг тарих фани бўйича илмий мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Муҳаббат Тўраева мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Хабарингиз бўлса керак, 1998 йил, август ойида Президентимизнинг махсус Фармони чиқди. Мана шу Фармонга мувофиқ давлатимизнинг тарихини ёшларга чуқур ўргатиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институти фаолиятини янада ривожлантириш ҳақидаги махсус қарор қабул қилинди. Мана шу қарордан келиб чиққан ҳолда, Тошкент, Хива, Бухоро шаҳарларида тарихга ихтисослашган махсус мактаблар ташкил қилинди. Ана шу таълим-тарбия даргоҳлари орасида бизнинг мактаб пойтахтда жойлашганлиги учун республикага услубиёт маркази қилиб танланди. Унинг ўз олдига қўйган мақсадлари улкан, шу боисдан услубиёт хонаси жиҳозланди, республика услубиёт маркази томонидан ўқув режалари билан таъминланди.

Аммо дарсликлар масаласи бизда ҳам тўла-тўкис ҳал этилгани йўқ. Ҳозирча биз олдинги дарсликлар асосида дарс ўтишга мажбур бўляпмиз. Бундан ташқари, матбуотда эълон қилинган мақола ва суҳбатлардан ҳамда Президентимизнинг асарларидан фойдаланиб дарс ўтаётирмиз.

**— Мактаб тарихга ихтисослашган ўқув-таълим даргоҳи бўлишга тайёрми?**

— Мактабда тарих фанига ихтисослашган тўртта кабинет, услубиёт хонаси ҳамда ўлкашунослик ва археологияга бағишланган музейлар ташкил қилинди. Ҳозирча бизда биттадан тарих синфи мавжуд. Ўқув режамизда шундай бандлар борки, уларда ўқувчилар Тарих институти ва Тошкент Давлат университетининг тарих факультети билан биргаликда махсус тестлар билан қабул қилиш, иқтидорли ўқувчиларни ана шу тарих синфларига жалб қилиш уқтириб ўтилган. Биз ўқувчиларни танлашда тарихни қай даражада билиши билан бирга уларнинг дунёқарашлари, бугунги кундаги сиёсий ўзгаришларга уларнинг муносабатларини албатта эътиборга оламиз.

**Шаҳноза МАТНАЗАРОВА ёзиб олди.**

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



(Охири.
Боши 4-5-бетларда).

14.45 «Ҳайвонот оламида».
15.25 Пушкин эртаклари. Мультфильмлар.
16.15 «Бу қандай содир бўлган эди?». Пушкин дуэли. 1837 йил.
17.15 Владимир Молчановнинг «Россия. Пушкин. XX аср» муаллифлик дастури.
17.50 «Аралаш-қуралаш» журналидаги қувноқ воқеалар.
18.00 «Кумуш серия». Мишель Морган ва Жерар Филипп «Катта машқлар» фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Маҳфий ҳужжатлар». Сериал.
21.30 «Верий квартали оҳанглари». Мусиқий комедия.
23.05 Ролан Гаррос. Теннис бўйича Франция чемпионатининг очилиши. Франциядан кўрсатилади.
23.50 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Франция — Россия терма командалари. Франциядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (00.30) — Спорт янгиликлари.

### РДТ

7.00, 8.30, 10.05, 11.45 — Мультфильмлар.
7.10 Россиянинг Пушкин куни. Ирина Алферова «Кузги қўнғироқлар» фильмида.
9.00 «Хайрли тонг, юртим».
9.35 «Ўз-ўзига режиссёр».
10.25 «Тарзан. Саргузаштлар тарихи». «Тарзан ва қора гул». Телесериал (АҚШ).
11.15 «Олтин калит».
11.30 «Яхши янгиликлар».
12.05 Россияда Пушкин куни. Пушкин майдонидан олиб кўрсатилади.
13.20, 19.00 «Вести».
13.50 «Ҳукумат ҳафтаси».
14.15 «Саломатликка». Ток-шоу.
15.15 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
16.05 «Мутлақо махфий».
17.00 «Менинг оилам».
18.00 «Эски квартира». 1986 йил. 2-қисм.
19.35 «Агапе». Бадиий фильм.
20.55 «Қизиққон ўнлик».

### ТВ-6

9.05, 19.30, 00.45 — «Йўл назорати».
9.20 Мультфильм.
9.35 Мультсериал.
10.00 «Узоқдаги чодирлар». Сериал.
10.55 «Сирли орол». Сериал.
11.20 «Чердачок». Қувноқ шоу.
11.45 «Робин Гуд». Сериал. 1-серия.
12.40 «Миллий география жамияти» билан саёҳат.
13.45, 00.10 — «Диск-канал».
14.10 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
14.25 «Нью-Йорк, Нью-Йорк».
14.50 «ОСП-студия».
15.45 «Бу — Жириновский!».
16.15 «Хазиналар оролига қайтиш». Сериал.
17.10, 19.15 — «Севсанг-қара». Видеоклиплар.
17.20 «Саломатлик формуласи» теледўкони.
17.30 «Мен ўзим» ток-шоуси.
18.25 «Чехов ва Ко». Сериал.
19.45 «Найтмэн». Сериал.
20.35 «СВ-шоу».
21.05 ТВ-6 кинотеатри. Елена Яковлева, Ирина Розанова, Любовь Полищук «Интерқиз» фильмида.
00.55 «Шу куннинг олти янгилиги».
01.10 «Юлдузли тун».
01.45—03.10 «Плейбой».

## ЯКШАНБА, 6

### ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Бўстон». Тележурнал.

**«Умид» намойиш этади:**

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Билим-ринг».
11.40 «Ёшлар ва эстрада».

*

12.05 «Шарқнинг машҳур аёллари».
12.25 Кундузги сеанс: «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.
13.40 «Шоҳруҳ клуби».
14.10 «Мозийдан бир мўъжиза».
14.25 -15.50 «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 25-серия.

*

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Ўзлик». Бадиий -публицистик кўрсатув.
17.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»—«Зарафшон». Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида-Мультфильм.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.50 «Телевизион миниатюралар театри».
22.25 От спорти бўйича жаҳон кубоги.
22.55 «ТВ-1 намойиш этади». Телеанонс.

**«Аср мўъжизаси». Кинодастури.**

23.10 Кино янгиликлари.
23.25 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.45 «Дунё». Бадиий фильм. 2-серия.
01.10 -01.15 Ватан тимсоллари.

### ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Бизнес-академия».
10.10 «Мусиқий лаҳза».
10.20 «Инглиз тили Сиз учун».
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 52-қисм.
11.45 «Меҳр кўзда».
12.25 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
12.50 «Лаззат».
13.10 «Дониёр Тошмуҳамедов куйлайди».
13.30 «Цирк, цирк, цирк».
13.50 «Мусиқий глобус».
14.10 «Рамаяна». Телесериал.
15.45 «Кулгига нима етсин».
15.05 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
15.10 «Очун».
15.30 «Ўзбекистон қанотлари».
15.40 «Хит-коллекция».
16.00 Синема.
17.45 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазифаси», Мультгомоша)
18.35 «Остонадаги орзулар».
18.55 «Сиз ёқтирган қўшиқ».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Бари ҳазил».
19.45, 20.25, 23.25 Эълонлар.
19.50 «Рамаяна». Телесериал.
20.30 «Дунё ҳафта ичида».
20.50 «Мусиқий лаҳза».
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Синфдош».
22.05 «Ёшлар» телеканалида. «Шаҳзод» гурухи. «Азиз юртим». Мусиқий дастур.
23.05 «Миллионлар ўйини».
23.30 Синема. «Арлетт». Комедия (Франция)
00.55 «Хайрли тун!»

### ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 Болалар учун. «Ҳалфана».
9.55 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.40 «Мисли гавҳар».
11.00 Болажонлар экрани.
12.30 «Таянч».
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
14.00 «Хориж ҳангомаси».
14.15-15.50 Такрорий фильмлар экрани.

***

17.55 «Якшанбадан якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Камолот сари».
18.55 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Ёшлар кўчаси».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбадан якшанбагача».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.50 «Даллас». Телесериал.
22.40 «Тунги пойтахт». Информацион дам олиш дастури.
23.10 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Давид Копперфильд.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55-00.25 «Ҳайрли тун, шаҳрим!». Дам олиш дастури.

### ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами»
10.25 «Парле ву франсэ?»
10.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.00 «Оскар мукофоти совриндорлари-1975 йил».
11.20 Кинематограф: «Омаркорт». Бадиий фильм.
13.20 «Фан-тайм». ( Болалар учун инглиз тили)
13.30 «Тенгдошлар».
13.50-14.35 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Айчурек».

***

17.00-18.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Мюзик-холл».

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.25 Пушкин қиссалари Михаил Казаков ва Юрий Яковлев. «Отишма» фильмида.
20.00 «Время».

*

20.30 «Буржлар башорати».
21.30 «Интернет» кафеси.
21.45 «Кинопрофи».
22.05 Лаки-Страйк намойиш этади: «Джекки Браун». Бадиий фильм.
00.25 «Таҳлилнома» (рус тилида)
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқийдам олиш дастури.
9.25, 13.45, 18.00, 19.50, 00.20 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.40 Болалар учун фильм.
11.45 «Ўйинчоқлар уйи». Компьютер ўйинлари ҳақида дастур.
12.00 «Тушки кино».
14.15 «Ўлжа». Детектив сериал.
16.00 «Брейн-ринг». Интеллектуал ўйин.
17.15 «АНИК» тиббиёт маркази.
17.35 «Клип-совғача».
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Акапулько отряди». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да якшанба кинооқшоми.
23.15 «30-канал»да премьера: «Мак Гайвер». Саргузашт сериал (АҚШ).
24.00 «Бозор». Видеомода.

### РЖТ

7.00 «Бизнинг Пушкин: уч юбилей — илгари қандай нишонланарди».
7.25 Пушкин эртаклари. «Руслан ва Людмила». 2-серия.
8.35 «Бизнинг Пушкин: шоирнинг уч ватани — репортажлар, интервью».
9.00 Спорт янигиликлари.
9.20 Пушкин меросхўрлари. «Ақллилар ва оқилалар». Финал дастури.
10.05 «Бизнинг Пушкин: менинг Пушкиним — мактубларда, ҳикояларда, хотираларда».
10.20 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Франция — Россия терма командалари.
12.10 Пушкин хроникалари. Олег Стриженов ва Вячеслав Шалевич «Капитан қизи» фильмида.
14.00 Янгиликлар.
14.15 Пушкин қиссалари. Олег Видов «Бўрон» фильмида.
15.35 «Бизнинг Пушкин: РЖТ студиясида шоир авлодлари».
16.20 Пушкин изидан. Олег Янковский ва Александр Абдулов «Мени асрагил, туморим» фильмида.
17.40 «Яшасин Пушкин!» Халқ телевикторинаси финали.
18.25 Пушкин қиссалари. Михаил Козаков ва Юрий Яковлев «Отишма» фильмида.
20.00 «Время».
20.35 Пушкин хроникалари. Владимир Висоцкий ва Алексей Петренко «Подшо Петр қандай қилиб арабни уйлантиргани ҳақида эртак» фильмида.
22.25 «Бизнинг Пушкин: бугун ва умрбод».
23.25 Ролан Гаррос. Теннис бўйича Франция чемпионатининг очилиши. Франциядан кўрсатилади.

### РДТ

7.00 Россияда Пушкин куни. «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак».
7.30 «Ватанимга хизмат қиламан!».
8.00 «Қишлоқ хабарлари».
8.30 «РДТ почтаси».
9.00 Мультфильм.
10.10 Россияда Пушкин куни. «Менинг Пушкиним». Академик А. М. Панченко.
10.40 «Рус лотоси».
11.20 Елена Гоголева, Виктор Проскурин, Иннокентий Смоктуновский «Пиковая дама» фильмида.
13.00 «Вести».
13.30 «Россияда Пушкин куни».
13.40 «Китоблар олами» Леонид Куравлев билан.
13.55 Россияда Пушкин куни. «Пушкин икки асрдан буён...» Санкт-Петербургдан олиб кўрсатилади.
14.55 «Федерация».
15.35 «Парламент соати».
16.35 «Қонун ва тартиб». Телесериал.
17.25 «Жониворлар ҳақида мулоқотлар».
18.20, 22.00 Россияда Пушкин куни. А. С. Пушкин таваллудининг 200 йиллигига бағишланган юбилей кечаси. Давлат Академик Большой театридан олиб кўрсатилади.
21.00 «Кўзгу».
22.35 «Навбатчи қисм».

### ТВ-6

9.05, 19.40 — «Йўл назорати».
9.20, 10.55 — Мультфильмлар.
9.30 Мультсериал.
10.00 «Узоқдаги чодирлар». Сериал.
11.25 «Диск-канал».
12.00 «Мазаси оғзингда қолади» кўрсатуви.
12.25 «Канон».
13.00 «Ҳафтанинг олти янгиликлари».
13.25 «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
13.40 ТВ-6 кинотеатри. «Тош меҳмон» фильми.
15.10 ТВ-6 кинотеатри. «Бекат назоратчиси».
16.25 ТВ-6 кинотеатри. В. Сухоруков, Ю. Мамин «Бакенбардлар» комедиясида.
18.15 «Юлдузлар юлдузлар ҳақида»: Людмила Зикина. 2-қисм.
18.45 «Ҳафта ҳалокатлари».
20.00 Кинескоп. «Пушкин, Смоктуновский. Парчалар».
20.30 «Сиз — шоҳидсиз».
21.00 «Обозреватель» таҳлилий кўрсатуви.
22.00 «ОСП-студия». А. С. Пушкиннинг 200 йиллигига.
22.55 «ТВ-6» кинотеатри.
00.40 «Бизнинг мусиқа». Вика Циганова.
01.45—03.40 Тунги сеанс. «Киноплёнка».

# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## «А. Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» акциядорлари ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлар жамиятининг Кузатув Кенгаши эълон қилади:

1999 йил 25 июнь куни соат 15-00 да корхона маъмурий биносида акциядорларнинг навбатдаги ҳисобот умумий йиғилиши ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, 30 боши берк Сағбон кўчаси, 8-уй.

**КУН ТАРТИБИ:**

Жамиятнинг 1998 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ва 1999 йилдаги ривожланишнинг устун йўналишлари ҳақидаги Бошқарув раиси ҳисоботи.

Тафтиш комиссиясининг хулосасига асосан корхонанинг йиллик ҳисоботини ва балансини тасдиқлаш

1998 йил натижаларига кўра дивидендлар тўланиши ва захира жамғармаси тузилиши масаласи.

Жамият Бошқаруви фаолиятини баҳолаш ва бошқарувчи идораларга аъзоларни қайтадан сайлаш масаласи.

Янги таҳрирдаги жамият Уставини тасдиқлаш.

Турли масалалар.

### КОРХОНАНИНГ 1998 ЙИЛ БАЛАНСИ

(ўлчов бирлиги минг сўм.)

| | | Актив | Пассив |
|---|---|---|---|
| 1 | Асосий воситалар ва оборотдан ташқаридаги активлар | 110642 | |
| 2 | Захиралар ва харажатлар | 96326 | |
| 3 | Пул маблағлари, ҳисоблашишлар ва бошқа активлар | 27196 | |
| 1 | Ўзлик маблағларнинг манбалари | | 161490 |
| 2 | Узоқ муддатли пассивлар | | — |
| | Солиқларга ишлатишлар | | 57554 |
| 3 | Ҳисоблашишлар ва бошқа пассивлар | | 15120 |
| **БАЛАНС** | | **234164** | **234164** |

**Кузатув Кенгаши**

*Қадрли Абдуғани Каримович Раҳимов!*

*Сизни муборак 50 ёшингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Хонадонингиздан бахт, дастурхонингиздан қут-барака аримасин!*

*Ҳурмат билан дўстингиз Абдуборий ВОҲИДОВлар оиласи.*




Тошкент шаҳридаги «Бободеҳқон» жамоа корхонаси 1999 йил 1 июль, пайшанба кунидан бошлаб тугатилади. Дебитор, кредитор қарзлар ва таъсисчилар, улуш қўйганлар билан ҳисоб-китоблар, молиявий даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Манзил: Ғани Мавлонов кўчаси, 52-уй, 7-корпус. Телефон: 34-02-56.

* * *

Белтепа даҳасида жойлашган 3 хонали квартира

**СОТИЛАДИ.**

Телефон: 117-10-67.

* * *

Озиш ва семиришга кўмаклашамиз.
Қиммат. Назоратли. Телефонлар: 75-25-20; 75-27-05; 173-06-48; 186-55-71.

* * *

Оздирамиз ва соғлиғингизни яхшилаймиз.
Телефонлар: 49-44-66, 74-96-75.

* * *

Тиббиёт маркази сурункали хасталиклар, ичкиликбозлик, кашандалик хасталикларини даволайди ва ўт пуфагидан тошларни туширади (тиғсиз жарроҳлик).
Телефонлар: 29-79-21, 24-56-79.

* * *

25 сотих ерга эга, 10 хонали, иссиқхонаси ҳам бор планли участканинг ҳаммаси ёки ярмиси сотилади ёки квартирага алмаштирилади.
Манзил: 3-автокорхона ёнида, «Қумариқ» маҳалласи, «Зикир» чойхонаси, М. Раҳимов кўчаси, 2-уй.
Телефон: 78-22-82, 57-98-26.

Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси, Ҳамза тумани халқ таълими бўлими ва туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Йўлдош Маҳмудович Маҳмудовга волидаи муҳтарамаси Қаҳрамон она

**Тўхта буви МАҲМУДОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти ободонлаштириш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар бош рассоми Рафаэль Гиззатович Юсуповга опаси

**Ровия БАДАЛБАЕВАнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

Донишмандлар хазинасидан

## АРАСТУ ВА ИСКАНДАР

**(Давоми. Боши газетанинг 55, 56-сонларида).**

Ул танобким белларида эрди ҳаво бердилар, ғаввосларнинг гумони бул эрдики, албатта бул йигит зоъе бўлғон деб, кўрдиларким таноблари ҳаракатдадур. Баъзилари айдиларки албатта наҳанг таъма айлағондур, наҳангни ичидин танобға ҳаво берур ва баъзилари дедиларким танобға тортайлик, агар наҳанг ичра бўлса наҳанг чиқар сайд айлармиз деб танобни торттилар. Ул азизнинг мададлари бирлан гирдоб балосидин чиқдилар, гўёки офтоб булутдин чиқғондек. Баъзи ровийлар ул азизни ҳазрат Илёс алайҳиссалом эрдилар дебдурлар. Ғаввослар кўрдиларким мундоғ гавҳарларни асло кўрган эмаслар, ноилож бўлиб, аҳдларидин қайтиб ўн дона гавҳар бердилар. Ҳазрат Искандар ғаввослар бирлан видоъий айлаб йўлға туштилар. Бир-икки фарсах йўл юриб эрдиларким, ғаввослар дедиларким бир ялғуз одам ўн дона гавҳарни олиб кетгани хўб эмасдур, ул йигитни кетидин бориб, гавҳарларни олиб қолурмиз деб якбора от қўйдилар. Буларни орасида ўн адад сипоҳлар бор эрди, иккиси булардин илгари ўзиб етиб келдилар, дедиларким гавҳарларни ташлаб ўзинг кетабергил, бўлмаса жонингдин умид узгил деб от солиб найзани ҳавола қилди. Ул найзани тутуб қўлидин тортиб олиб, кўксиға андоғ хазимат қилдиларки орқасидин паррон ўтди, найза бирлан олиб отдин ташладилар. То ул бири етгунча ани салоҳларини олиб кийиб, ани отиға савора бўлиб турдилар, ул бирини ҳам ани орқасидин юбордилар. Қолганларини ҳам бир-бир юбордилар. Улар икки одамни подшоҳларига юборган эрдилар, шоҳ бу хабарни эшитиб, дарзамон савора бўлиб, беадад лашкарлар бирлан етиб келдилар. Ҳазрат Искандарни ўртаға олдилар, қаттиғ жанг-жадаллар воқий бўлди. Ҳазрат Искандар кўрдиларким, ҳар куни бир юз-икки юз киши ўлса ҳам адо бўлмаслар, хўби шулки ўзимни аламдорга урайин деб, аламдор тарафига равона бўлдилар. Борур эрдилар жўй-жўй қонлар ушбу дашти биёбонларда оқар эрди. Бир тарафдин каманд андозлар каманд бостиларина беадад тир андозлар ўқ отмакка турдилар. Буларни манзур этмасдан аламдорни қалам қилдилар, мисли чинордек икки пора бўлди. Аскариялар кўрдиларки туғи шоҳий сарнагун бўлубдур, ҳар ким ўз аҳволиға бўлиб шаҳар сориға қочтилар. Шаҳарни улуғлари машварат айлаб шоҳларини асир этиб, пешкашлар билан қиличларини бўйинлариға осиб аскарлар билан чиқиб, Ҳазрат Искандарни ҳаммалари якбора кўрдилар, дилжаъм бўлиб, шоҳни ўрниға подшоҳ қилдилар. Оқ теваға оқ намат солиб ҳамма шахр эли то аскарлар пиёда бўлишиб, шаҳарга олиб кириб тахтга ҳукумат узра ўтқузиб, ҳамма муборакбод қилдилар. Зиндондагиларни озод, мулкларни обод ва раояларни кўнглини шод қилдилар. Ҳар ким ва ҳар сарҳанг ўз жойларида барқарор бўлдилар. Муддат бир ойғача подшоҳликни оғоз анжоми эътимомиға етти, вазирлар арз айладиларким аввалги шоҳимизни гуноҳидин ўтуб оталиқ амал берсалар ва ҳам ато қилсалар, чароки шоҳимизни бас пардада бир иффат паноҳ маликалари бордур, оти Бади уж-Жамолдур, ани никоҳлариға олсалар канизаклари бўлғай деб илтимослар қилдилар. Ҳазрат Искандарга мақбул бўлди, тўйға буюрдилар. Ул шоҳ асирни олиб чиқиб навозилар айлаб оталиқ амал бердилар. То бир ҳафтагача тўйлар ва тамошолар бўлди. Хосу ом аҳлиға инъом ва эҳсонлар айлаб, соат саъидда маликайи Бади уж-Жамолни ақд айладилар. Ҳазрат Искандарни шабистони маликага олиб кирдилар. Бади уж-Жамол тахтдин тушуб эҳтиром ва эъзозлар бирлан тахт устиға ўтқузиб хизматлар айлади. Пурсторлар созанда ва бозандалар ва раққосалар ўртада рақс айларга турдилар. Бир тарафдин соқилар юз ноз-карашмалар бирлан бодайи нобларни ва шишаларни гардишга келтирдилар. Базм олий бунёд айладилар. То ярим кеча бўлди ҳамма гулруҳлар жавоб олиб ўз уйлариға бордилар, қаср холи бўлди. Ҳазрат Искандар Бади уж-Жамолдин ком олмоқ фурсатда осмон тарафидан садойи бадҳайбатлар пайдо бўлди. Парилар лашкари даста-даста бўлиб нузул қилдилар, замонидин сўнг машъалдорлар зоҳир бўлиб Бади уж-Жамол пари кавкаба ва дабдаба бирлан дев, пари аралаш етиб келдилар. Ҳийма ва хиргоҳлар соз бўлди.

Ҳазрат Искандар истиқбол айлаб икром ва эҳтиромлар қилдилар. Бади уж-Жамол бир хитоб омуз сўзлар бирлан дедики, ул аҳду паймонлар қани, фаромуш айладингизму? Агар ваъдани ёлғон айламасангиз эрди коми дил икки жонибдин олур эрдингиз, эмди биримиздин олурсиз. То ман ўзим жавоб бермасам, мандин ком истаманг, пушаймон бўлурсиз сўнгра ушбу давлат ва висоллар мавжуд бўлмас деб, бул ерғача ваъда еткуриб, таъкидлар айлаб, ҳар ҳафтада бир кеча келурға ваъда бериб ўз маконига юз қўйди. Ҳар ҳафта бир келиб ҳамсуҳбат бўлар эрди.

Алқисса, ҳазрат Искандар ул маликайи Бади уж-Жамолдан ком олиб неча йиллар ўтди, фарзандлар вужудга келди, адлу додлари ул қаламравлар маъмур ва масрур бўлиб эрдилар. Алқисса орадин йигирма беш йил ўтди. Ҳазрат Искандарни тоқатлари тоқ бўлиб, бетоқат ва беқарор эрдилар, бул Бади уж-Жамолни рухсати бўлмадиким, коми мурод топсалар. Ўзлариға муқаррар айладиларким хоҳ нохоҳ ком мурод ҳосил қилғойлар. Кечаси бўлди, Бади уж-Жамол пари расм қоидаси бирлан нузул айлади. Базм суҳбатлари то ярим кечаға етди. Ул парини кўзи уйқуға борди, жойи хилват эрди, ҳазрат Искандар ўзларини соз айлаб, ул парини дар канор оғуши жон тортиб юзу лабларидин бўсалар айлаб, симин соқларини кўториб коми мурод олурға туриб эрдиларким Бади уж-Жамол уйғонди, кўрдики иш жойиға етибдур. Дедиким эй одамизод беаҳд, дубора паймонни буздинг, магар бу давлатларға сер бўлибдурсан, деб ҳазрат Искандарни кўкраклариға бир мушт урди. Ҳазрат Искандар беҳуд бўлдилар. Ҳушлариға келиб боқсалар, Арасту ҳакимни олдидин чиқиб қолдилар. Арасту дедики эй шаҳриёри олам, ғусл айламасдин чиқғонға ўхшарсиз деди. Ҳазрат Искандар ҳайрон бўлиб туриб эрдилар, Арасту дедики ушбу асрорни сири тонг отса маълум бўлғусидур, деб чодирга олиб борди. Боқсалар жойлари ҳануз иссиғдур, замони ўтмабдур. Истироҳатга машғул бўлдилар.

Алқисса, бул кеча ўтди, эрта бирлан нонуштага ҳамма жаъм бўлдилар. Доно ва донишмандлар ва аскариялар йиғилдилар. Арасту сўз бошлаб дедики, кеча сўз пайғамбари охир замонни меърожларидин эрди, шоҳни дилларига нуктайи келиб ўтиб эрди. Ул худованди карим ва раҳим ва аъзим хоҳласа бир бандайи ҳосига Сурайёдин то тахти алсариғача, то Аршу Курси ҳаммани турфат ал-айнда тамошолар ва мушоҳадалар қилдириб ва яна хобгоҳга еткурса жойлари иссиғ, занжирлари садода турса не ажаб бўлғай. Чунончи ушбу хоки ниҳод қўлидин келғон ҳунарларни ўзлари кўрдилар. Йигирма беш йилдин сўнгра келсалар жойлари иссиғдур, замони ўтмабдур, деб шоҳни кўргон ва қилғон ишларини бир-бир баён қилди. То меърож мақомидин тўрт ёр вафодор хилофатлариғача сўзни еткуриб, дуойи фотиҳалар, саловот ба руҳи поки пайғамбари охир замонга ўқиб, хатми кор айлади. Ҳамма сомъелар юз жонлари бирлан овози орзулар қилдиларки, бизлар ҳам ул замонда бўлсак эрди, имонни тоза келтурур эрдик деб, Арастуни ишиға ҳамма аҳсан ва офаринлар ўқиб, мусаллам тутдилар дебдурлар, валлоҳи аълам биссавоб.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**



Янги спектакль

## «ТЎЙДАН КЕЙИН ТОМОША»

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри яна бир асар билан бойиди. Театр жамоаси яқинда Ўзбекистон халқ шоири, таниқли драматург Шукруллонинг «Тўйдан кейин томоша» икки пардали мусиқали сатирик комедиясини кенг томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Дабдабали тўй қилиш оқибатида келиб чиқадиган иллатлар ва оилавий можароларни кучли сатира остига олган ушбу комедияни режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев саҳналаштирган. Бастакор Нодим Норхўжаев эса асар руҳига мос музика басталаган.

Янги спектаклдаги бош ролларни театрнинг етакчи артистлари, Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова, Наима Пўлатова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Дилором Сафоева, Равшан Солиҳовлар билан бир қаторда Дилмурод Узоқов, Маҳбуба Умарова, Гулнора Рустамова сингари истеъдодли санъаткорлар ижро этишган.

Янги асар томошабинлар эътиборини қозонмоқда.

**Мақсуд ОРИПОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** спектаклдан саҳналар.

**Рустам Шарипов олган суратлар.**



Қатралар

— Кепчикка ўхшаб дўп-дўп қиласан. Ё мен сени чалишга нўноқлик қилаяпманми? Хуллас, эшитувчилардан хижолатдаман, — деди ноғорачўп.

— Сен хижолат бўлма. Олдин мени улар ўзларининг меҳр оловларига тоблаб қиздиришсин. Сўнг мени чал. «Така-тум»лаб ёқимли овоз чиқармаган номард — деди ноғора.

* * *

— Кичкинасан-у, ўзингдан катта қўнғизнинг тагида қолиб кетай, кетай деб қандай судраб келяпсан? — чумолига ҳайрон бўлди калтакесак.

— Жуссам эмас, — уқдирди унга чумоли, — шижоатим судраб келяпти.

* * *

— Мунча кичиксан. Чанқаганларнинг куни сенга қолмасин-да, — мазах қилади катта самовар.

Кичик самовар бунга парво қилмас, ўтхонасидаги тошкўмир ёришиб, аланга олаётганидан кўнгли тўқ эди.

Аланга сувни қайнатиб юборди.

Катта самовар ўтхонасидаги пайраха милт этган чўғ ҳам бермай, сувни қайнатиш у ёқда турсин, илиқлик ҳам беролмади.

— Сувни қандоқ қайнатдинг? Менга йўлини кўрсат, — сўради катта самовар кичик самовардан.

— Юрагингда чўғ бўлмаса, йўл кўрсатганим бефойда, — деди кичик самовар.

Катта самовар муздеккина, қуруқ савлат тўкиб турарди.

* * *

— Ҳой, обрў, нега мендан қочаяпсан? Жон куйдириб, қандай бўлмасин ҳосил режаларини юз қилаяпман-ку.

— Амал тегди, деб сен деҳқонлар билан олдингидек самимият билан эмас, қўл учида кўришаяпсан. Уларнинг кўксини тоғ қилишдек биринчи режани эса унутаёздинг. Шуларнинг таъна тошлари сендан мени қочираяпти. Қўл учида кўришганинг — биринчи бойлигимиз ўша олтин бўлмиш қадоқ қўллар-ку.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ.**

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Мозий

## «АВЕСТО» — ГЎЗАЛЛИК ҲАҚИДА

Маънавият мажмуаси ҳисобланмиш «Авесто»да қойил қоладиган, кишини ўйлантирадиган жиҳатлари шунчалик серобки, беихтиёр ёқа ушлайсан. Ҳажми жиҳатидан ҳам дунёда яратилган ёзма манбаларнинг энг улкани ҳисоблансада, биз бу ерда ана шу ноёб манбанинг бир чимдими билан ошно этиб, сирли-сирли томонларига ҳурматли ўқувчиларнинг диққатини қаратмоқчимиз. Китобнинг тўғри келган, ўртасими, бошими хоҳлаган саҳифасида сизга таъсир қиладиган ҳикматларга дуч келасиз. Ақл дурдоналарининг садафидан тизилган маржонларига дуч келасиз, ёқимлилигидан баҳри дилингиз очилиб, маънавий қониқиш ҳосил қиласиз. Ҳиссиётларингиз сим-сим товланади. Ажиб наво таралаётгандай, бор-будингизни сел қилади, оҳанг оғушида сармаст бўлиб, мазза қиласиз. «Авесто» нинг яна қанчалаб сирли қирралари борки, уларнинг ҳаммасини санаш амри маҳол. Бир сўз билан айтганда жавоҳирлар хазинасига ўхшатгинг келади, уни қанчалик харжламанг озаймайди, аксинча шарқираб қайнайверади.

Шундай қилиб, китобнинг ҳар сатридан маъно томади, ақл жилва қилиб ниҳоятда мазмунлидир.

Инсоний фазилатлар жавлон уриб, одамийлик нафаси уфуради.

Мана: «Сен мен учун

Ардвисура-Анаҳитани Шарафлагил,

Спитом — Зардушт...» деб бошланувчи мадҳияда «Анаҳита»нинг таърифига эътибор беринг. Агар исм мазмунига эътибор берсангиз, «покиза», «ғуборсиз» деган маънони англатади. Бу ҳолатнинг ўзи ҳам сирли, ҳам мақсадлидир. Ушбу жойда биз, кичик бир парчада гўзалликнинг бетакрор, мафтун этувчи жиҳатларининг шоҳиди бўламиз. Гўзалликни куйлаш ҳамиша ижодкорларнинг бош мавзуси бўлган. Олимуфузалолар, шоиру мусаввирлар гўзалликни тарих саҳифаларига зарҳал ила битганлар. Гўзаллик инсонни маънавий поклайди, одамлар ички дунёсини мунавварлаштиради.

***«Гўзал чеҳра, — деганди донишмандлардан бири, — ўз номи билан гўзал» деса, бошқаси «гўзаллик — ҳақиқий бахт-саодатдир» деб уни осмонга кўтарганлар. «Авесто»да ҳам гўзаллик қойилмақом қилиб тасвирланган, жимжимадор қилиб зийнатланган. Мана, қулоқ тутинг «Авесто»да жўшиб наво таралади: «Сен мен учун***

***Ардвисура — Анаҳитани Шарафлагил,***
***Спитом — Зардушт***
***Ҳар кун кўргай, —***
***Ардвисура — Анаҳитани***
***Бир париваш тимсолида,***
***Сарвқомат ва шамшодваш,***
***Камарбаста ва шойиста.***
***Бошмоқлари ярқираган тўпиққача,***
***Тиллодандир шокиласи.***
***Қўлларида барсман унинг бир меъёрда.***
***Балдоқи ярақлаган, —***
***Тўрт қиррали, олтин суви юргизилган.***
***Шафқатпеша Ардвисура — Анаҳита.***
***Гарданига чирмашгандир***
***Гўзал шода,***
***У қоматин таранг тутар,***
***Бўртиб чиқсин учун сўлум сийналари***
***Ва одамлар нигоҳини қаратмоққа***
***Ўзи томон***
***Пешонасин зебо этмиш Ардвисура —***
***Анаҳита.***

Ё тавба, булар гўё бугуннинг гапларига ўхшайдику. «Паривашнинг сарв қоматини шамшод»га ўхшатишлик, «камарбаста-ю шойиста»лигини тараннум этиш шоирона илҳомнинг натижаси-ку?!

«Бошмоқ»ларини «тилло» билан безатилиши, юксак диднинг меваси эмасми? «Қўлларидаги» тақинчоқ, зеб-зийнатлар нозик маҳоратнинг, аждодларимиз маданияти юксаклигидан нишонаку? «Болдоқлари» ҳам «олтин»дан ярқирайди қуёш мисоли. «Гўзал шода»ларнинг таърифи ҳам ўрнида. Ҳа, зеб-зийнатлар аёлларни янаям латофатли қилиб кўрсатади, тақинчоқу билакузуклар уларни кўркли қилади. Пардоз-андоз аёллар зийнати, шунинг учун доно халқимиз «Онангни отангга бепардоз кўрсатма» деган нақли бекорга айтилмаганда, ахир. Мана, яна «Авесто»га эътибор беринг.

***«У қоматин таранг тутар,***
***Бўртиб чиқсин учун сўлум сийналари***
***Ва одамлар нигоҳини қаратмоққа***
***Ўзи томон».***

Аёл гўзаллигини санъат даражасига кўтариб маҳорат билан тасвирланганлигидан лол қоласан. Жуда ҳам ноёб нафислик, бетакрор жозиба, мафтункорлик наволари таралаётгандай баҳри дилинг равшанлашади. Кўз ўнгингдан пари-пайкарнинг гўзал сиймоси гавдаланиб сени беихтиёр сархуш қилади, ширин хаёлларга ғарқ этиб, бутун жисмингни ловуллатади. Табиатнинг сирли хилқатидан маст бўлиб хаёлга толасан. Учқур хаёл сени ором боғларига сайр эттиради, роҳат денгизида беозоргина суздиради. Кўнглинг ёришиб хурсандликдан қувониб, ёнасан. Дилинг ёришиб шундай ҳолатга тушасанки, сен ўзингда йўқсан, гўё осмону фалакда сайру саёҳат қилиб юрибсан.

Ҳа, кўз ўнгингда гўзаллик маъбудаси гавдаланиб, атрофга муаттарликлар таратаяпти, хушҳоллик кайфиятини мавжлантираяпти.

Ёки мазкур қуйма фикрлар силсиласига эътибор беринг:

***«Пешонасин зебо этмиш...***
***Анаҳита***
***Жозибали гардиш билан.***
***Юз тусдаги ранглар уни***
***безатмишдир.***
***Тилло суви юргизилган.***
***Саккиз қисм араваdек,***
***Шокилалар ҳилпираган афсуннамо***
***Ўртасида олтин ҳалқа,***
***Моҳирона ясатилган».***

Қойил, тасанно. Ушбу ҳолатнинг таърифи Сизни минг кўйга солади. Асли бўлгандачи? Кўзингиз билан кўрганингизда, нақд мўъжизага дуч келардингиз.

Ҳа, аждодларимизнинг назаридан ҳеч нарса қочиб қутула олмаган, улар ниҳоятда нозик дид, юксак эҳтирос соҳибларидир. Гўзалликнинг янги-янги қирраларини кашф этиб, мўъжизалар ясаган. Ижод маҳсуллари бўлмиш санъат дурдоналари атрофга хушҳоллик ошуфта этган. Кейинги жумлаларда ҳам гўзаллик намуналари манаман деб жавлон ураяпти.

«қундуз пўстин кийгандир у...

Уч юз қундуз терисидан» каби мисраларда олам-олам маъно бор. «Қундуз терисидан пўстин», уч минг йил бурун — бу тикувчиликнинг чўққиси эмасми? Қўли гул ўтмишдошларимизнинг маҳоратидан нишона.

Бунинг устига, оддий пўстин эмас, «боққан кўзни тиндиргувчи» даражададир. Бир сўз билан айтганда санъат дурдонасидир. Бундай даражага етишлик учун жуда узоқ, машаққатли тарихий йўлни босиб ўтиш керак бўлади. Машаққатли изланишларнинг меваси, тинимсиз яратувчанликнинг оқибатидир.

Тажриба, таҳлил, «қилни қирқ ёрувчи» заҳматлар орқалигина бундай натижаларга эришиш мумкин.

Табиат зийнатларидан завқланишда устаси фаранг бўлганлар. Гўзалликка интилиш соф инсоний туйғудир, унда беғуборлик, поклик, тозалик ҳукм суради. Юқоридаги ҳолатлар ўтмишдошларимизнинг юксак салоҳиятидан, ақли-тафаккури ўткирлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, аждодларимиз юксак маданият соҳиби, ажойиб гўзалликлар ижодкори бўлганлар.

«Авесто» — дедилар Йўлбошчимиз Ислом Каримов, — айни замонда бу қадим ўлкада... буюк маданият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким, инкор этолмайди». Ҳа, у бизники, истиқлол туфайли дунёга танилаётган — она заминимизнинг маҳсули, мевасидир. «Авесто» бу қадим ўлканинг фарзанди, дилбандидир. Мустақиллик туфайли «Авесто» тирилиб, нафас ола бошлади.

Ҳа, азизлар юқоридаги мисолимизда қайд этилган жараён маданиятлиликнинг олий чўққиси, санъаткорликнинг бебаҳо намуналаридир. Ноёб истеъдоднинг меваси, асл талантнинг маҳсулидир. Тасвирнинг тиниқлигидан, беғубор нафислигидан бутун жисминг ловуллайди.

Шунинг учун ҳам бизнинг Ватанимиз жаҳон цивилизациясининг бешикларидандир. Дунёда санъат дурдоналарини такомиллашувига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлардандир. Дарҳақиқат, аждодларимиз ўша нозикдид, айни вақтда ниҳоятда уддабурон бўлганлар.

Уларнинг яратган санъат обидалари ҳамон бўй кўрсатиб турибди. Минг йиллаб бурун ўзининг санъат дурдоналари билан довруғ таратиб, юртимизнинг номини жаҳонга достон қилган. «Авесто» истиқлол туфайли юртига қайтди. «Авесто» юртдошларимизнинг эзгу ишларида камарбаста даъваткор бўлиб қолаверади.

**Мусоқул УСМОНОВ,**
**Тошкент Молия институтининг профессори.**

---

*Шарқ дурдоналари*

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

◆ Сабабсиз кулги — беодоблик белгиси.

◆ Одобсизлик ота-она уйини хароб қилади.

◆ Илм ва одоб — таги йўқ хазина. Кимки унга эга бўлса, қадру қиймати баланд бўлади.

Фазилатга фақат илму шарафи бор одам лойиқ.

Билмаган айб эмас, билмаганини бўйнига олмаслик айб.

Одамлар сендан ўрганмаса,сен одамлардан ўрган.

◆ Илм шундай нарсаки, бутун куч сарф этилмаса қўлга кирмайди.

***«Аталар сўзлари»дан.***

◆ Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ суҳбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балоғатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқликдан холий ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Суҳбатдан эса ишга малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини эса сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан ғийбат қилиб юрмайди. Унинг суҳбатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар суҳбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичида барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам: «Китоб ақл қалъасидир» — деганлар.

***Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.***

◆ ҲИКМАТ. Ҳар кимнинг зари бўлмаса-да, аммо ҳунари бўлса дунёда ҳеч бир хавф-хатари бўлмайди. Шунинг учун киши ҳунар зийнати билан безалмоғи керак. Ҳунарсиз киши қуруқ савлатдир. Қуруқ савлат қотиб турганувратга ўхшайди. Сен увратга боқ, у одамга ўхшаса-да жони бўлмайди. Дарахт шохи мевасиз бўлса, кийикнинг шохларидан нима фарқи бор? Қалам гарчи чўп бўлса-да, илму ҳунарни ошкор қилгани учун азиздир. Ойна эса гўзаллар юзи туфайли қўлда юради. Сен Абу Жаҳл тарвузини кўр, ширин тарвузлар каби чиройлидир. Аммо аччиқ бўлгани учун қиймати йўқ.

***Беҳунар одам эмас, молу зари бўлганда ҳам,***
***Бўлмагай эшак одам анга либос ёпганда ҳам.***

***Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.***

◆ Илм ўрганишдан уялган ва такаббурлик кўчасига кириб қолган кишилар ҳеч қачон илмга эга бўла олмайдилар. Эй ўғил, сен илм ўрганишдан уялма! Нодонлик ёмон хислат!

◆ Ҳурмус ҳаким сўзларидан. У айтади:

— Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин! Ҳикмат ва фазилатга етишга қарилик тўсқинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки, у ўзгармайди ва айнимайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшо ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлмасин!

◆ Суқрот ҳаким насиҳатларидан. Ундан сўрадилар:

— Энг яхши бойлик нима?

Айтади:

— Холис дўст!

***«Жовидони хирад»дан.***

◆ Душмандан эҳтиёт бўлувчи заиф киши кучига мағрур бўлган кучли кишига нисбатан саломатликка яқин бўлади.

◆ Ақлли душман нодон дўстдан яхши.

Имтиҳондан киши ё қадр топади ё қаҳр.

Кишининг тойиши аёғини қонатади, тилнинг тойиши барча неъматлардан маҳрум этади.

Душманнинг сўзига ишониб иш тутувчининг ҳоли тааж-жублидир. Душман эса ҳеч қачон яхшиликни раво кўрмайди.

***Муҳаммад ЗЕҲНИЙ.***

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0357. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6